



ПРЕЗИДЕНТ ҚАТОР МУҲИМ ҚОНУНЛАРНИ ИМЗОЛАДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаев мамлакатнинг хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, фуқаролар ҳаёти сифатини оширишга қаратилган бир қатор муҳим қонунларни имзолади.

Хусусан, Президент «Худудий мудофаа тўғрисида»ги Қонунни имзолаб, мамлакатда фавқулодда ҳолатлар пайтида аҳолини ҳимоя қилиш, сафарбарлик тизимини мустаҳкамлаш чораларини белгилаб берди. Ҳужжатда таъкидланишича, худудий мудофаа тизими 2020 йилдаги Сардоба сув омборидаги ҳалокат, 2022 йил Қўстанайдаги ёнғин ва ўтган йилдаги шимоли-ғарбий ҳудудлардаги сув тошқинларида самарали фаолият юритган.

Шунингдек, Давлат раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, ички ишлар идоралари ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, қанопни саноат мақсадларида етиштириш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи ўзгаришларни тасдиқлади.

Яна бир муҳим ҳужжат – уй-жой қурилиши, йўл сифати ва ногиронларни ташиш хизматларини яхшилаш юзасидан ўзгаришларни ўз ичига олган қонун қабул қилинди. Бу борада инватакси хизмати кенгайтирилиб, инфратузилма янада қулайлаштирилади.

Президент, шунингдек, молия бозорини ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунга ҳам имзо чекди.

Барча қонунлар матни расмий нашрларда эълон қилинади.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

Валюта айирбошлаш: янги қоидалар

KAZINFORM. Молия бозорини созлаш ва ривожлантириш агентлиги Қозоғистонда нақд хорижий валюта билан айирбошлаш жараёнларини амалга оширишнинг айрим қоидаларини ўзгартаришни тақлиф қилди.

Бугунги кунда амалдаги қоидаларга кўра, 500 минг тенгедан ортиқ нақд пул алмаштириш учун миқоздан яқка идентификация рақами, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва яшаш манзили кўрсатилиши шарт.

Энди агентлик ушбу чегарани 200 минг тенгегача камайтиришни тақлиф қиялпти.

Янги талабларни амалга ошириш мuddати ҳали белгиланмади.

НХТ учун мукофотлар танлови эълон қилинди

1 июль куни Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ташаббуси билан ноҳукумат ташкилотлари учун анъанавий мукофотлар танлови бошланди.

Мукофотлар 16та ижтимоий йўналишда топширилади. Ҳар бир йўналиш учун ажратилган маблағ 2 000 ОҲҚ миқдориди «Ташкилотингиз жамият ҳаётида фаол, соҳасида етакчи ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда инновацион ёндашувларни илгари сураётган бўлса, танловда иштирок этинг», дейилади вазирлик хабарида.

8 (7172) 74-09-97, 74-07-41 ёки 74-02-17 рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин.

«Казахстанская правда».

ҚОЗОҒИСТОНЛИКЛАР ИЮЛЬ ОЙИДА ҚАНЧА КУН ДАМ ОЛАДИ?

KAZINFORM. Жорий йил июль ойида қозоғистонликларга 9 дам олиш куни тақдим этилади.

6 июль, Пойтахт куни – расмий байрам. Жорий йилда бу сана яқшанбага тўғри келаётгани боис, дам олиш куни 7 июль, душанба кунига кўчирилади.



Демак:

5 кунлик иш ҳафтаси бўйича: 5, 6 ва 7 июль дам олиш кунлари;

6 кунлик иш ҳафтаси бўйича: 6 ва 7 июль дам олиш кунлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, июль ойида касбий байрамлар ҳам бор, лекин уларда қўшимча дам олиш кунлари берилмайди.



СЎЗ ҚУДРАТИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

KAZINFORM. Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Президент Қасим-Жұмарт Тұқаев ташаббуси асосида яна бир хайрли тадбир ташкил этилди. «Дара» Президент ташаббуслари жамғармасы орқали мамлакатдаги етакчи оммавий ахборот воситалари ходимларига уй-жой сертификатлари топширилди.

Ушбу ташаббус нафақат соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, балки жамиятда ижтимоий барқарорлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси – Матбуот қотиби Руслан Желдибай сўзга чиқиб, оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан табриклади.

– Президентимиз томонидан журналистлар ва медиа соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилаётган ташаббуслар ОАВ ходимларини рағбатлантириб, юрт равнақиға ҳисса қўшишға ундайди. Бу йил хонадонлар нафақат журналистлар, балки маҳаллий ОАВ режиссёрлари, операторлари, техник ходимлари каби қўллаб мутахассисларға ҳам берилди, – деди у.

Янги хонадонларни "Qazaqstan" Республика телерадиокорпорацияси, "Хабар" агентлиги, "Қазконтент", "Қазақ газеттері", "ЕВРАЗИЯ+ОРТ", "Atameken Business" медиахолдинги, Tengrinews каби етакчи медиа ташкилотлари ходимлари қабул қилиб олди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида ОАВ ходимларини уй-жой билан таъминлаш масаласи "Дара" жамғармасы орқали изчил давом этмоқда. Жамиятда ижтимоий барқарорлик, халқ фаровонлигини ошириш, инсон қадрини юксалтириш асосий мақ



садимиздир, – деди жамғарма раҳбари Мухамедқали Тауан.

Маълумот учун, 2023 йилда бешта давлат ОАВ ходимларининг 65 нафарига уй берилган бўлса, 2024 йилда 68 нафар соҳа вакили хонадонли бўлди. Жорий йилда эса давлат ОАВ тараққиётиға ҳисса қўшаётган яна 66

нафар журналист ва техник мутахассис янги хонадон қалитини қабул қилиб олди.

Бу эзгу амаллар яна бир қарра эслатиб турибдики, инсон қадри устувор бўлган жамиятда ҳар бир инсоннинг меҳнати муносиб қадрланади.

ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

ТУРКИСТОН ШАҲРИДА КЎНГИЛЛИЛАРНИНГ "ASYL MURA" ИЖТМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ



Шу кунларда Туркистон шаҳридаги "Farab" илмий кутубхонасида кўнгиллиларнинг "ASYL MURA" ижтимоий лойиҳалар танлови ўтди. Мазкур тадбир Туркистон вилоят "Ёшлар имконият маркази" ташаббуси билан уюштирилди.



Танловни ўтказишдан кўзланган мақсад – ёшлар орасида кўнгиллилик маданиятини ривожлантириш, ижтимоий масъулиятни ошириш ва минтақалардаги долзарб муаммоларни бартараф этишга қаратилган янги ло

йиҳаларни қўллаб-қувватлаш эди. Ҳакамлар ҳайъатига 18та жамоа ўз лойиҳаларини тақдим этди. Ҳайъат қарорига кўра, Туркистон шаҳрининг "Ёшлар" жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Саврон тумани шарафини ҳимоя қилган "ASYL MURA" жамоаси иккинчи ўринга муносиб топилди. Арис шаҳрининг "Норе

Livers" жамоаси эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолибларға 500, 300 ва 200 минг тенге миқдориди пул мукофотлари топширилди.

Ёшлар келажағи учун қўйилаётган бундай муҳим қадмлар, албатта, ўз самарасини беради.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



28 июнь – Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан «Eco Village Kaskasu» дам олиш маскани(Тўлебий тумани)да ташкил этилган ушбу маросимда соҳанинг фидойи ва фаол вакиллари, матбуот соҳаси арбоблари иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокими Нуралихан Кўшеров сўзга чиқиб, журналистларни касб байрами билан табриклади.

– Ахборот майдонида фидо-корона меҳнат қилаётган барча оммавий ахборот воситалари ходимларини чин қалбимдан табриқлайман! Журналистлар – том маънода давлат ва жамият ўртасидаги кўприк, халқнинг овози. Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев ҳам оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, журналистлар зиммасига улкан ишонч ва масъулият юкланганлигини таъкидлаган эди. Ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, жамият тафаккурини юксалтириш ва ташкил топганига 7 йил тўлган Туркистон вилоятини ривожлантиришга қўшган ҳиссангиз бекиёс, – деди Н. Кўшеров.

Тадбир давомида ахборот соҳасида самарали меҳнат қилаётган фаол журналистлар давлат мукофотлари, орден ва медаллар ҳамда вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқ ва ташақкурномалари билан тақдирлан-

ди. Тақдирланганлар орасида ҳамкасбимиз, минтақа матбуоти равнақиға муносиб ҳисса қўшаётган “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири ўринбосари Муроджон Абубакиров ҳам борлигини мамнуният билан қайд этамиз (суратда).

Тадбир иштирокчиларини «AMANAT» партиясининг Туркистон вилоят филиали раиси Алтинсари Умбеталиев табриклаб, бир гуруҳ ОАВ ходимларига фахрий ёрлиқлар топширди.

– Бугунги кунда ахборот майдони фақатгина янгилик тарқатиш воситаси эмас, балки жамиятнинг онги ва тафаккурини шакллантирадиган, халқ ва ҳокимият ўртасидаги энг муҳим кўприк ҳисобланади.

Биз Янги Қозоғистонни барпо этиш йўлида шаффофлик, ошкоралик, халқ билан бево-сита мулоқот тамойилларини доим устувор, деб биламиз. Бу жараёнда сизнинг, яъни сўз ва ахборот соҳаси вакилларининг ўрни бекиёс.

Бугун сизнинг меҳнатингиз,

АХБОРОТ МАЙДОНИ ФИДОЙИЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНДИ

хизматингиз муносиб эътироф этилаётгани, албатта, барча-мизни қувонтиради. Чунки ҳақиқатни ёритадиган, жамиятда адолат ва тараққиёт руҳини сингдирадиган, халқ сўзини давлатга, давлат сиёсати мазмунини халққа етказадиган айнан сизларсиз.

Биз яхши тушунамиз: ҳақиқий журналистнинг меҳнати фақат соврин ёки мактов учун эмас. Бу – халқ олдидаги масъулият, виждон олдидаги поклик ва Ватанга садоқат билан ўлчанади.

Қозоғистонда ахборот сиёсатида кенг имкониятлар яратиб, журналистларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишлари қучайтирилмоқда. Қаламингиз доимо ўткир, сўзингиз таъсир-



ли, қалбингиз халқ учун очик бўлсин! – деди у.

Таниқли журналист, вилоят маслаҳати депутати Ғалимжан Елшибай табрик нутқида Қаскасу қишлоғида элга машҳур давлат ва жамоат арбоблари, санъат усталари рассомлар етишиб чиққанини, ўзи ҳам ушбу қишлоқ

фарзанди эканлигидан гурурланишини таъкидлади.

Сўнг ОАВ ходимларини вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов табриклаб, фахрий ёрлиқлар ва ташақкурномаларни топширди.

– Журналист деган ном – бу фақат касб эмас, бу – юксак

масъулият, қалб амри, халқ учун хизмат. Бу матбуот, ахборот майдони, фикр, миллий гурур ва халқ манфаати учун кураш майдонидир.

Яқин тарихга назар ташласак, ҳар қандай тараққиёт, ҳар қандай юксалиш ортида сўз қудрати, ҳақиқат ва адолат учун

курашувчи қалам аҳли турганини кўрамиз. Ҳозирги кунда ҳам Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар ҳақида оммага етказишда сиз, журналистлар халқ ва давлат ўртасидаги мустаҳкам кўприк бўлмоқдасиз.

ОАВ ходимлари томонидан айтиладиган ҳар бир сўз, ёзиладиган ҳар бир сатр, эфирга узатиладиган ҳар бир хабар – бу нафақат ахборот, балки жамият онгига таъсир қилувчи куч, тараққиёт йўлидаги муҳим омилдир. Журналист йўли – ҳалоллик, масъулият ва садоқат йўлидир. Сўз ва сатрларингиз доим халқ манфаатлари йўлида хизмат қилсин! – деди у.

Тадбирда соҳа фидойилари учун концерт дастури намойиш этилди.

А. АБДУФАТТОҲ.

МЕҲНАТ ВА БУНЁДКОРЛИК МАЙДОНИ

Ислохотларнинг, ўзгаришларнинг самарали амалга ошиши барчамизнинг бирлигимизга, ватанпарварлигимизга ҳамда фуқаровий масъулиятимизга боғлиқ.

Қасим-Жўмарт ТўҚАЕВ.
“Қозоғистон янги вазиятда: ҳаракатлар даври”.



Тўлебий тумани – бугун бунёдкорлик ва меҳнатга асосланган янги ҳаётга юз бұраётган замин. Бу ерда ҳар қадамда ўзгариш, ҳар бир соҳада тараққиёт нафасини ҳис қилиш мумкин.

Куни кеча журналистлар учун ташкил этилган матбуот сафари давомида бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари бу ўзгаришларнинг гувоҳи бўлди. Абай қишлоғида 138 гектар майдонда Италиядан олиб келинган 300 мингга яқин олма кўчатлари гуллаб-яшнамоқда. Бу шунчаки боғ эмас – бу меҳнат, илм ва замонавий ёндашув меваси. Томчилатиб сўғориш тизими, “Кўчқорота” сув омбори – буларнинг барчаси бир мақсадга хизмат қилади: барака ва фаровонлик.

– 1,5 миллион кубометрли сув омбори барпо этгандан буюн соҳибкорлар ҳар йили 25-30 гектаргача пакана ва ярим пакана мевали боғларни бунёд қилишмоқда. Ҳозир боғларнинг умумий майдони 138 гектарни ташкил қилади. Келгуси йил яна 25 гектар илғор боғдорчиликни йўлга қўйиш режаланмоқда. Италиялик сармоядорлар хисобидан консерва заводи қури-



лади. Давлат раҳбари «ақлли» қишлоқ хўжалиги учун автоматлаштирилган тизимлар ва технологияларни оммалаштиришни топширди. Бу туманда боғдорчиликни ривожлантиришни янги босқичга кўтаради. Аҳоли сони йилдан йилга кўпайиб бораётганини, сув, электр энергияси ва бошқа табиий захираларимизнинг чекланганлигини инобатга олсак, «ақлли» қишлоқ хўжалигининг аҳамияти нақадар юксак эканлигини англаб етамиз, – деди «Қазығұрт бақтары» ишлаб чиқариш ширкати мутасаддиси Мақпал Жумабекова.

Фақат боғдорчилик эмас, бугун тумanning таълим соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар кузатилмоқда. Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, 580 ўринли замонавий коллеж барпо этилиб, тиббиёт ва педагогика соҳаларида етук мутахассислар тайёрланмоқда. Ҳақиқий тараққиёт илм билан бошланади. Бу эса шунга ёрқин мисол.

Замонавий кўпқаватли уйлар, кенг кўчалар бугун тумани



безамокда. Ленгер шахрида 156 хонадонли уй-жой мажмуаси барпо этилмоқда. Бу нафақат уй-жой, балки одамларнинг ҳаётига, келажакига ишонч уйғотадиган муҳим қадамдир.

Саноат соҳаси ҳам четда қолмаган. Асфальт-бетон заводида ҳар куни 43 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу – йўллар яхши бўлса, тараққиёт тезлашадиган, деган тамойилнинг амалий тасдиғи. Шунингдек, музқаймоқ ва чучвара ишлаб чиқариш цехи, 125 ишчи учун яратилган доимий иш ўрни – буларнинг барчаси халқ учун, ёшлар учун, келажак учун.

– 32 йилдирки, янги замон руҳи, ўзгаришлар нафаси, шиддаткор давр шукуҳи билан яшаямиз, асрларга татигулик ўзгаришлар, янгиланишлар гувоҳи бўлямиз. Бу оламшумул воқеалар қишлоқларимизда, қўйинги, Ватанимизда, ҳар биримизнинг онги шуурида, мақсад-муддаомизда ўз ифодасини топмоқда. Табиийки, бу улуғворлик эзгуликка интилиб яшаётган тўлебийликлар ҳаё-

тида ҳам яққол акс этмоқда. Туманимизда қатор ижтимоий-маданий иншоотлар барпо этилмоқда, бир қанча замонавий спорт мажмуалари қурилиб, аҳолига топширилмоқда, – деди журналистларга берган музоҳабасида туман ҳокими Еркеғали Алимқулов.

Сафар поёнида ОАВ ходимлари “Тау самалы” хордиқ маскани фольяти билан танишдилар.

Тўлебий тумани бугун том маънода меҳнат, бунёдкорлик, тараққиёт майдониға айланган. Бу ўзгаришлар ортида эса энг аввало, халқнинг матонати ва меҳнати, маҳаллий тадбиркорлар ва давлат сиёсати мужасам.

Сирасини айтганда, бугун юртимизда амалга оширилаётган асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари қишлоқларимизни тобора яшнатмоқда. Бу эса одамлар қалбига бахтиёрлик шукуҳи, эзгулик иштиёқи ҳамда шукроналик ҳиссини бахш этмоқда

А. БҰРОНБОВ.

ҲАМЖИҲАТЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Вилоятимизга Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати ва Мажлиси депутатлари – Али Бектаев, Мурат Қадирбек, Алишер Сотволдиев, Уласбек Садибеков, Қайрат Балабиев, Кенжегул Сейтжан ва Нурсултан Байтилесов хизмат сафари билан келди.



Ташриф давомида депутатлар вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров билан учрашиб, қабул қилинган янги қонунлар ва минтақа тараққиёти билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашишди.

– Тарихий Туркистонга хуш келибсизлар. Ҳар жабҳада кузатилаётган тараққиёт ва ижобий ўзгаришларда Сизларнинг яқиндан кўрсатаётган кўмагингизни ҳис қиляпмиз. Бу йил “Туркистон шаҳрининг алоҳида мақоми тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу барчамиз учун улкан тарихий воқелиқдир. Халқимиз номидан миннатдорчилик билдираман, – деди Нуралхан Кўшеров. – Йилнинг биринчи ярими йиллигини сарҳисоб қилар эканмиз, ҳар бир туман ва шаҳарларда бўлиб, халқимизнинг муаммолари

ва долзарб масалалар билан яқиндан танишдик. Энг катта муаммолардан бири – табиий газ ва тоза ичимли сув масаласи. Шунингдек, ижтимоий иншоотлар қуриш, инфратузилмани яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш устувор вазифаларимиздан бири. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, индустриал минтақалар ва кичик саноат паркларини кенгайтириш юзасидан амалий чоралар кўрилмоқда. Асосий вазифа – янги иш ўринлари яратиш ва минтақанинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш. Бу борада Сизлар билан ҳамкорликда ишлашга тайёرمىз.

Учрашувда халқ ноиблари юртимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар,

Президент ташаббуслари ва янги қонунлар юзасидан ўз қарашларини билдиришди. Шунингдек, давлат бюджети, қурғоқчилик муаммоси, қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалалар, инфратузилмани яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, сармоя жалб этиш, Байдибек туманига экологик ҳудуд мақомини бериш ва имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар муҳокама марказида бўлди.

Депутатлар Туркистон вилоятидаги ижобий ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бериб, юрт тараққиёти учун ҳамжиҳатликда меҳнат қилиш муҳим эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ТАРБИЯДА БИРЛИК – ЭЛДА БАРҚАРОРЛИК

Мақтаарал туманида Қозоғистон халқи Ассамблеяси қошидаги оқсоқоллар ва оналар кенгашининг мажлиси ўтди.



Кун тартибидида “Соғлом тафаккур” лойиҳаси ва “Ягона тарбия” дастури доирасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамиятга таҳдид солаётган иллатларга қарши кураш масалалари муҳокама қилинди. Тадбирда Оқсоқоллар кенгаши раиси Е. Қазобеков, Оналар кенгаши раисаси С. Ерманова ва кенгаш аъзолари, Мақтаарал ТИИБ бошлиғи, полиция полковниги Д. Нисанбеков, вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси «Ижтимоий тотувлик» ДКК Мақтаарал туман филиали раҳбари А. Жўлдасов, туман Ёшлар имконият маркази мутахассислари, этномаданият бирлашмалари раислари ва вакиллари иштирок этди.

Мажлисида муҳим масалалар – гиёҳвандлик, қиморбозлик, маийший зўравонлик,

безорилик, шунингдек, исрофгарчилик каби жамиятнинг оғриқли нуқталари атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, миллий кадриятлар асосида ёшлар ўртасида тарбияни кучайтириш, оилавий муҳитни мустаҳкамлаш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан тавсиялар билдирилди. Оналар кенгаши раисаси С. Ерманова “Соғлом тафаккур” лойиҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхталар экан, ушбу ташаббус ёшлар қалбига маънавий озуқа бериш билан бир қаторда, уларни онгли ва масъулиятли фуқаро сифатида тарбиялашга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

– “Ягона тарбия” дастури орқали биз бутун тарбия тизимини мувофиқлаштирамиз, бу эса фарзандларимизни миллий кадриятларга садоқати,

эл корига камарбаста инсон сифатида тарбиялашда муҳим пойдевор бўлади, – деди у.

Тадбирда сўз олган оқсоқоллар кенгаши раиси Е. Қазобеков ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш – бу нафакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг, балки бутун жамиятнинг вазифаси эканлигини таъкидлади.

– Тарбия – оиладан бошланади. Агар биз оилада соғлом муҳит яратишга эриша олсак, фарзандларимизни соғлом фикрли, маънавий етук фуқаро сифатида тарбиялай оламиз, натижада, жамиятимиз хавфсиз, тинч ва барқарор бўлади, – деди у.

Йиғилиш якунида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида амалий чора-тадбирлар белгиланди.

М. УСМОНОВА.

»»» Соғлом авлод – юрт келажаги

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

Юртнинг келажагини соғлом ва баркамол авлод белгилайди. Шу боис она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳар бир жамиятнинг устувор вазифаси сифатида қаралади.

Бу борада мамлакатимизда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоятимизда ҳам ушбу йўналишда аниқ натижалар қайд этилмоқда. Она ва бола саломатлигини сақлаш – вилоят учун асосий ижтимоий устуворликлардан биридир. Бу йўналишда минтақада мажмуавий тадбирлар амалга оширилмоқда ва аниқ натижаларга эришилмоқда. Яқинда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров раислигида ўтказилган йиғилишда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят аҳоли сони бугунги кунда 2,2 миллиондан ошди. Шу жумладан, 433 мингдан зиёди репродуктив ёшдаги аёллар сони, 900 мингга яқини 18 ёшгача бўлган болалар.

– Она ва бола саломатлиги, миллат келажаги ва барқарор тараққиётнинг асоси – жамиятнинг фаровонлиги ва келажагининг кўзгуси. Бу соҳада фақат рақам ва кўрсаткичлар эмас, балки аниқ ҳаётий натижалар муҳим. Тизимли назорат, малакали кадрлар, қулай ташхис ва замонавий технологиялар – бизнинг асосий воситамиз. Инфратузилма, мутахассислар, замонавий технология – барчаси ўзаро уйғун ишлаши лозим, – деди вилоят ҳокими.

Демографик суръатлар соғлиқни сақлаш тизимидан юқори сифат ва самарадорликни талаб қилади. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари Асхан Байдувалиевнинг айтишича, сўнгги икки йилда она ва бола ўлими кўрсаткичи изчил камайиб бормоқда. Ушбу ижобий кўрсаткичлар профилактик чора-тадбирлар, перинатал ёрдам ва малакали мутахассислар тайёрлаш тизимидаги ижобий ўзгаришларнинг самарасидир. Айниқса, ҳомиладорлик пайтида уруғни эрта аниқлаш ва



назорат қилиш – она ва бола ҳаёти сақлаб қолинадигани қувонарли ҳолдир. Бугунги кунда минтақада перинатал скрининг билан қамров даражаси 88 фоизга етказилиб, халқаро андазаларга яқинлашмоқда. УТТ мутахассисларининг малакалари оширилиб, улардан 12 нафари Буюкбританиядаги Fetal Medicine Foundation (FMF) сертификатига эга бўлишди. Натижада, туғма касаллиқни эрта аниқлаш кўрсаткичи 4 фоизга ошди.

Вилоятимизда яна бир лойиҳа – “Орзу қилган чақалоқ” дастури амалга оширилиши аниқ натижаларга эришишда ёрдам бермоқда. Бу лойиҳа туфайли бепуштлиқ билан боғлиқ муаммолар ечимини топмоқда.

Экстракорпорал уруғлантириш (ЭКО) хизматларидан самарали фойдаланиш натижасида, сўнгги 4 йил ичида 780 гўдак дунёга келди. Улар орасида 84 эгизак ва 2 нафар уч эгизакнинг туғилгани – тиббиётимиз имкониятларининг ёрқин самарасидир.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

Қарноқдаги Имом Бохилий қадамжосида

Қишлоқ марказидан олис бўлмаган ҳудудда машҳур Имом Бохилий қадамжосига фаол обуначимиз Хусан Убайдуллаев кўлигида ташриф буюриб, кўп қизиқарли маълумотлар билан танишдик.



Имом Бохилий 669 йили Ироқнинг Басра шаҳрида туғилган. Тўлиқ исми – Абу Хафс Қутайба ибн Муслим ибн Амир ал – Бохилий. Халифа Абдулмалик ибн Марван томонидан Имом Бохилий Хуросон вилоятининг ҳокими этиб тайинланган. Имом Бохилий 715 йилга қадар Моварауннаҳр, Марказий Осиёда ўз ҳокимлигини ўтказган, ислом динини тарғиб қилишга эришган йирик қўмондон. 716 йили душманлари томонидан ўлдирилган.

Имом Бохилий макбараси ҳовлисидида ободончилик ишлари 2010 йилдан бошланган. Шу қишлоқнинг фидойи жонқуярлари Тўлқин Саидмуродов ва Тўлқин Бобохоновлар бошчилигида қарноқликлар кўп марта хашар уюштириб, пировардида янги дарвоза қўйилди, бир неча юз метр масофада тошйўлак бунёд этилди, улкан дошқозон нухаси Туркистондан келтирилиб, баландга ўрнатилди, тепасига айвонча қурилди, зиёратчилар учун ўриндиқлар ўрнатилди.

Бу ерда минтақамизда ягона ҳисобланадиган 1300 йиллик тарихга эга машҳур тут дарахти ҳам жойлашган. Зиёратчиларни ҳайратга соладиган ушбу дарахт баландлиги 9, эни 3 метрни ташкил этади. Алл дарахт бир неча йилдирки, курғаб ўсишдан, ривожланишдан тўхтаган. Мустаҳкам темир тиргаклар дарахтнинг кучли шамолга дош беришига ёрдам беради.

Суҳбатдошларим Тўлқин Саидмуродов ва Тўлқин Бобохоновлар маърифат, маданият, маориф маркази бўлган Қарноқда умргузаронлик қилган Комилхон қори Ҳайдар ўғли, Отажон домла, уста Яраш Бобохонов каби ҳидоят



йўлида кўп хизматлари билан танилган ҳамқишлоқларини ҳурмат билан тилга олдилар. Олимларнинг хулосасига кўра, тошларга эски араб имлосида ўйиб ёзилган ёзувлар тадқиқ қилинса, кўхна тарихга оид ҳали кўп маълумотлар олиш мумкин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тарихий дошқозон нухаси; 1300 йиллик тут; Имом Бохилий макбараси.

Муаллиф суратга олган.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг жонқуярлари, жамоатчи мухбирлари Турсункул ва Ойтути Режаметовлар Туркистон вилоятига маълум ва машҳур ўзбек тили ва адабиёти фанининг билимдони, кўп йиллар Қорабулоқ қишлоғидаги Ҳамза номли ва «Қорабулоқ» ўрта мактабларида ёш авлодга таълим-тарбия берган «Маориф аълочиси»	Абдумавлон ДАЛАБОЕВнинг дорулфанодан дорулбақога рихлат қилганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари ва ёру биродарларига таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.
Ўтганларнинг охириати обод булсин!	



БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Тадбирни ҳамжамият раиси Икромжон Ҳошимжонов олиб борди. Тақдим қилинган режага кўра, Қозоғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмалари «Дўстлик» ҳамжамиятининг 30 йиллиги доирасида жорий йил 19-20 сентябрь кунлари икки муҳим тадбирни ўтказиш кўзда тутилган. Хусусан, 19 сентябрь куни "Дўстлик карвонида 30 йил: Дўстлик ҳамжамиятини миллатлараро муносабатлар ва жамоат тотувлигини ривожлантиришдаги роли" мавзuida халқаро илмий-амалий анжуман ҳамда 20 сентябрь куни Шимкент шаҳридаги Марказий истироҳат боғида «Ўзбек тили, маданияти ва аъёналари куни» байрами ўтказилади. Йиғилишда тадбирларни юксак савияда ўтказишга мутасадди масъуллар тайинланиб, вазифалар белгиланди.

Жорий йилги байрам алоҳида аҳамиятга эга ҳамда шонли сана доирасида ўзгача руҳда ўтиши жоиз.



Хусусан, "Дўстлик карвонида 30 йил", деб номланган китобни нашр этиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Ҳамжамият қошидаги илмий кенгаш раиси Н. Алметов мазкур китобнинг мазмуни, муаллифлари ҳақи-

да маълумот берди. Китобни нашрга тайёрлаш жараёнида республика, вилоятимизда истикомат қиладиган ўзбек халқининг турмуш тарзи, маданияти ҳақида тарихий маълумотлар жамланди.



Халқаро анжуманга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Н. Алметовга юкланди, ташкилий кўмита раиси, аъзолари белгиланди. Шунингдек, Тожикистон, Қирғизистон, ЕХХТ, Ўзбекистондан меҳмонларни таклиф этиш режаланмоқда. Ҳамжамиятнинг 30 йиллиги доирасида аъёнаний "Ўзбек тили, маданияти ва аъёналари" байрамини ўтказиш мақсадида Шимкент шаҳар ЎЗМБ раиси Т. Нишонбоев раҳбарлигида 9 кишидан иборат ташкилий кўмита тузилди. Унга Шимкент, Астана, Қизилўрда, Туркистон вилоятларидан фаол аъзолар киритилди. Мамлакатимизнинг иқтисодий, иж-

тимоий, маданий тараққиётига ҳисса қўшган ҳамюртларимизни ҳамжамиятнинг 30 йиллик юбилей медали билан тақдирлаш масаласи ҳам мазкур йиғинда муҳокама қилинди. Тадбирда шунингдек, "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг жорий йил иккинчи ярим йиллигига обунани уюшқоқли ўтказиш, муштарийлар сонини кўпайтириш, жойларда хайрия обунасини уюштириш, жамоатчи обуначиларни жалб этиш фикрлари ҳам қўллаб-қувватланди.

"Жанубий Қозоғистон" мухбири.

ШИМКЕНТ ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ - КАСБИЙ ТАЪЛИМ ВА МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ МАРКАЗИ



Юртимизда таълим соҳаси тараққиётига бекиёс ҳисса қўшиб келаётган – мамлакатимиздаги нуфузли таълим муассасаларидан бири Шимкент олий педагогика коллежидир.

Замонавий талабаларга жавоб берадиган касбий билим ва миллий қадриятларни ўзида муҳассам этган мутахассисларни тайёрлаш коллеж жамоасининг асосий мақсадидир.

ТАРИХ ВА АМАЛИЁТ – МУВАФФАҚИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Коллеж ташкил этилганидан буён малакали кадрлар тайёрлашда юксак натижаларга эришиб келмоқда. Кўп йиллик самарали фаолият, илғор услуб ва аъёналар уйғунлиги натижасида мазкур таълим маскани минтақадаги етакчи муассасалардан бирига айлан-ди. Коллеж битирувчилари бугунги кунда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаол меҳнат қилмоқдалар.

МУТАХАССИСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИ

Коллеж таълимнинг турли соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайди. Яъни:

- Бошланғич таълим
- Мактабгача таълим ва тарбия
- Қозоқ тили ва адабиёти
- Инглиз тили
- Муסיқа таълими
- Информатика
- Жисмоний тарбия ва спорт

Ўқув жараёни давлат андазаларига мос ҳолда ташкил этилган. Назарий билимлар амалий машғулотлар, лаборатория ишлари ҳамда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти билан уйғунлашган.



Шу билан бирга, талабалар учун махсус тренинглар, семинарлар ва ижодий машғулотлар мунтазам равишда ташкил этилади.

МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИ

Коллеж замонавий ўқув хоналари, интерфаол доскалар, компьютер хоналари, муסיқа ва спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган. Бундан ташқари, кутубхона, ўқув зали ва дам олиш ўринлари, муסיқа зали ва кутубхоналар мавжуд. Сифатли анжомлар билан жиҳозланган.

ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ

Коллежда илмий салоҳияти юксак, тажрибали мутахассислар фаолият юритади. Улар таълим бериш билан бир қаторда илмий-тадқиқот ишларини ҳам олиб боришади. Ўқитувчилар талабалар билан тигиз алоқада уларнинг қобилияти ва салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишади.

ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИ

Коллежда талабалар юқори малакали билим олишдан ташқари, ижтимоий ҳаётда ҳам фаол иштирок этади. Маданий ва спорт тадбирлари, тўгарак ва клублар талабаларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, етакчилик қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

КЕЛАЖАКА ЙЎЛ ОЧУВЧИ МАСКАН

Шимкент олий педагогика коллежи – ёш авлод учун касба йўлланма берувчигина эмас, балки маънавий етуқлик ва шахсий камолотга хизмат қилувчи таълим муассасасидир. Коллеж битирувчилари олий ўқув юртларига қириб, келгусида таълим соҳасида фаолият юритиш имкониятига эга бўлмоқда.

ШИМКЕНТ ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ 2025-2026 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Мутахассислик коди	Мутахассислик номи
01120100	Мактабгача таълим ва тарбия
01140100	Бошланғич таълим педагогикаси ва услубияти
01140700	Информатика
01140200	Муסיқа
01140500	Жисмоний тарбия
01140600	Асосий ўрта таълим тил ва адабиёти педагогикаси ва услубияти
02120200	Кийим дизайни
02310100	Таржимонлик иши (турлари бўйича)
03220100	Кутубхоначилик иши
04110100	Ҳисоб ва аудит
04210100	Хуқуқшунослик
06120100	Ҳисоблаш техникаси ва ахборот тизимлари (турлари бўйича)
06130100	Дастурий таъминот (турлари бўйича)

Мутахассислик коди	Мутахассислик номи
4S01120102	Мактабгача таълим ва тарбия муассасаларининг тарбиячиси
4S01140101	Бошланғич таълим ўқитувчиси
4S01140701	Бошланғич ва асосий ўрта таълим информатика ўқитувчиси
4S01140201	Мактабгача тарбия муассасалари, бошланғич ва асосий ўрта таълим муסיқа ўқитувчиси
4S01140501	Жисмоний тарбия
4S01140601	Қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси
4S01140605	Чет тили ўқитувчиси
4W02120201	Техник ва бадиий эскизлар ижроچиси
4S02120203	Кийим дизайнери
4S02310101	Таржимон
4S03220101	Кутубхоначи
4S04110102	Ҳисобчи
4S04210101	Хуқуқшунос
3W06120101	Компьютер ускунаси оператори
4S06130103	Дастурий таъминловчи

Мутахассислик коди	Мутахассислик номи
01120100	Мактабгача таълим ва тарбия
01140100	Бошланғич таълим педагогикаси ва услубияти
5AB01120101	Мактабгача таълим ва тарбиянинг амалий бакалаври
5AB01140101	Бошланғич таълим педагогикаси ва услубияти бўйича амалий бакалаври

ukpk_shym@mail.ru
shym_kolledj
+7 776 789 87 78 + 7 7252 50 61 36
Шимкент шаҳри, 8-март кўчаси, 22 (бош биноси)
Амангелди Иманов кўчаси, 17 (Б корпус)

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРҢБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7702-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

- Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, режиссёр ва эълон берувчилар масъулдир.
- Фондациянинг мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайдиганлиги.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VRY00022503 гувоҳнома берилган.
"ЕРНУР-спринг" МЧБ босяхонасида chop этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алмиқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
+7778-618-39-05.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10500 нуска.

Буюртма 1407. Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.